

Соҳа ходимлари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тунги рейдлар ўтказилмоқда



Термиз туман прокурори Ботир Олтибоев, туман ИИБ бошлиғи Ўктам Мустафоқулов ҳамда туман Миллий гвардия бўлими ҳамкорлигига “Хавфсиз ҳудуд” тадбири бўйича тунги рейд тадбири бўлиб ўтди. Унда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари, профилактика инспекторлари ҳамда соҳага оид масъуллар иштирок этишди.

Мазкур тадбирда давомида қўпол қоидабузарликлар содир этиб юрган ҳайдовчилар, пробация гурӯҳи назорати остида турувчи шахслар белгиланган вақтда ўз хонадонларида бўлиши, спиртли ичимликлар истеъмол қиласлиги, туман ҳудудидан чиқмаслик ҳолатлари ўрганилди.

Шунингдек, рейд жараёнида вояга етмаган шахсларни тунги вақтларда сабабсиз кўчада юрганлик ҳолатларини аниқлаш ва бошқа криминоген вазиятга таъсир этувчи омилларни аниқлашга эътибор қаратилади.